



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (12.978)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Шу йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нурунийлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

"ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР" КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Очқ ва самимий мулоқот руҳида ўтган анжуманда мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бекиёс аҳамиятга молик улкан воқеа экани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислам Абдуганиевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги бекиёс хизматларининг юксак эътироф этилгани, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобидан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги йигирмадан зиёд унрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Тадбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айна вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топадиган, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидладилар.

Бўлиб ўтган фикр алмашувларда ушбу тўпلام билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиклолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улуг мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсон — ўзбек давлатининг асосчиси, бетакрор шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳаро-

рати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди экани эътироф этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори, филология фанлари доктори Ш.Сирожиiddinov, иқтисод фанлари доктори, профессор А.Содиқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Тошкент давлат санъат ва маданият институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов, Сирдарё вилояти Сирдарё тумани "Амир Темур" фермер ҳўжалиги раҳбари Н.Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж.Пиязов ва бошқалар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганни қайд этиб, ўртага қўйилган ғоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти ҳусусида атрафлича фикр билдирдилар.

Учрашувда халқимизнинг тафаккур ҳазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган бу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнининг изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол тарихини теран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марралар сари руҳлантиришда бекиёс аҳамиятга эга бўлган "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобини чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

(ЎЗА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИСТЕЪМОЛЧИ ТАЛАБИ ВА ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР



Ҳаётимизда ҳар куни турли воситалардан фойдаланамиз. Санитария-гигиеник буюмлар, уйда шинам шароит яратишга хизмат қиладиган ҳар хил воситалар шулар жумласидан. Бугун турмушимизни бундай маҳсулотларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Айни пайтда йирик супермаркетлар, дўконлар ва ҳатто кичик савдо расталари турли санитария-гигиеник буюмлар ва маиший кимё воситалари билан тўла. Таклиф этилаётган маҳсулотлар хилма-хиллигидан кўз қувнайди ва улар сифат жиҳатидан бир-биридан асло қолишмайди. Бу эса уларнинг нархи ва сифати нисбати ҳусусида фикр юритишга ундайди. Мазкур маҳсулотларнинг катта қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани қувонарлидир. Бу ишлаб чиқарувчиларимиз бозорда ўз мавқеини ошириб бораётганидан далолат беради.

Пойтахтимиздаги йирик савдо марказларидан бирида кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган кенг турдаги маҳсулотларни кўриб, ҳаёлимизда болалик хотираларим жонланади. Оилада кенжа фарзанд бўлганим боис мени мен, совун ёки кир ювиш қукуни олиб келиш учун дўконга тез-тез юборишарди. Уша пайтлари расталарнинг ями бўш, товарлар турли-туман қутиларга тартибсиз қалаштириб ташланган бўларди.

Яқин ўтмишга назар ташлар эканмиз, бугунги ҳаётимизнинг фаровон ва тўкин-сочин-

лигидан кўнгил гурурга тўлади. Масалан, бир дўконнинг ўзида 25 турдаги атир совуни, 20 турдаги кир ювиш қукуни, ўндан ортқ турдаги қоғоз салфетка ва сочик, санитария-гигиена қоғози ва косметика салфеткалари, йигирмадан зиёд турдаги идиш-товок, ойна, пол ювиш воситалари, 15 хилдан ортқ гигиена воситаларини санаб чиқдим. Бир сўз билан айтганда, инсон ўз саломатлигини назорат қилиши ва уйини саранжом-саришта тутиши учун ҳамма нарсга муҳайё.

Пойтахтимиздаги супермаркетлардан бирининг сотувчиси Мадина Ҳўзиеваннинг сўзларига кўра, санитария-гигиена буюмлари ва маиший кимё воситаларига талаб юқори. Шуниси эътиборлики, илгари мамлакатимиз аҳолиси асосан четдан келтирилган товарларни харид қилган бўлса, бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маъқул кўрмоқда. Юртимизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан хорижийдан асло қолишмайди, нархи ҳам арзон. Бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминламоқда.

(Давоми 2-бетда)

Корея Республикасининг Инха университети президенти Сунъя Чой раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга келди.

ИНХА УНИВЕРСИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Делегация аъзолари Тошкент шаҳридаги Инха университетида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, олий ўқув юрти раҳбарияти, ўқитувчи ва талабалари билан учрашди.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори Шерзод Шерматов бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил ташкил этилган Тошкент шаҳ-

ридаги Инха университетида бу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланади.

Ушбу таълим муассасасида яратилган шароитлар халқаро талабаларга тўла жавоб беради. Ўқув аудиториялари, лаборатория ва бошқа хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Университетда пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари орасида энг катта дата-марказ (серверлар ва тармоқ ускуналари жойлаштирилган юқори технологияли майдон) фаолият кўрсатмоқда. Тала-

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Энг улуг, энг азиз" республика анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 56 корхона, ташкилот ва муассаса 142 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

● Наманганда "Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, жойларда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш, фуқаролик жамияти институтлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида тузилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг йиғилиши ҳам ўтказилди.

● Қўшни давлат билан чегара ҳудудида жойлашган Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги "Қизилравот" қишлоқ фуқаролар йиғинида "Сарҳадларнинг посбониман, муқаддас Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

● Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" анъанавий кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичида 10 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қатнашди.

ЖАҲОНДА

● Испаниянинг Корсик портида машҳур расмол Пабло Пикассо томонидан чизилган асарни ноқонуний йўл билан олиб чиқиш кетишга уринган шахс ушланди. "Ёш аёл сурати" деб номланган картинанинг қиймати 25 миллион еврога тенг. Уни исми ошкор этилмаган банк вакили турли йўللار билан қўлга киритган ва мамлакатдан олиб чиқиш кетмокчи бўлган.

● Аргентинада бир неча кундан бери ёғаётган қучли ёмғир мураккаб вазиятни келтириб чиқарди. Хусусан, дарёлардаги сув сатҳининг тўрт метр кўтарилгани тошқинларга сабаб бўлди. Бундай ҳолатдан, айниқса, Буэнос-Айрес провинцияси аҳолиси жиддий азият чекмоқда. Манбада айтилишича, ҳозиргача уч мингга яқин фуқаро ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Мактаблар, дўконлар фаолияти тўхталган.

● Хитой жануби-ғарбида жойлашган Гуйчжоу провинциясидаги кўмир қонида портлаш рўй берди. "Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида ўн киши ҳаётдан кўз юмган. 56 нафар қончини эса қутқаришга муваффақ бўлинди. Улардан беш нафари турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилди. Айни пайтда вайроналар остида қолиб кетган яна уч кишини қидириш ишлари давом этаяпти.

Истиқлол, ислохот, истиқбол

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Ислом КАРИМОВ

Дунёда таълим тизимига сарфланган маблағ, ҳеч қачон зое кетмайдиган капитал, деб ҳисобланади. Чунки тараққиётни ким амалга оширади? Юксак малакали кадрлар. Таълим тизимини такомиллаштириш — уларнинг билимини ошириш, сифат даражасини кўтариш, деган гап.

Мамлакат тараққиётини таълим тизимининг ҳиссасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълим-тарбия тизими такомиллаш борагани сайин одамларнинг маънавияти юксалаверади. Президентимиз ўқитиб келатганидек, юксак маънавият — энгилмас куч. Шунинг учун юксак маънавият келажак пойдевори ҳисобланади.

Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритгач, барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Зеро, жамият янги шахсни тарбиялашни талаб этаётган эди. Чунки одамларнинг онги, тушунчаси, билим савиясини ўзгартирмай, уни замонавийлаштирмай туриб янги жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Шу кунни кўлама, миқёси, қамрови ва мақсадлари бўйича ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам қабул қилинди.

Бу икки ҳужжат ушбу муҳим соҳада чуқур ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиётининг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонуна белгилан қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимизда узлуқсиз таълимнинг янги механизми ишлаб чиқилди. Жумладан, 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Бунинг биринчи босқичини 9 йиллик умумий ўрта таълим мактаби ташкил этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг туб моҳиятини чуқур англаб етиш учун мустақаб даврдаги таълим тизимининг аянчи аҳолини эсга олишга тўғри келади.

Шуро замонида Ўзбекистонимизда миллий таълим тизими жорий этилмаган. Ҳамма нарсаси ҳуқуқон мафкура манфаатларига бўйсундирилган, анкироғи, собик марказнинг мустамлакачилик мақсадларига қаратилган эди.

Масалан, Ўзбекистон тарихи ҳолис ўрганилмас, ўқув дастурида бу фанга ажратилган соатларнинг катта қисми собиқ иттифок тарихини ўрганишга бағишланган эди. Ўзбекистон ўз фарзандлари, айталик, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғинони, Аҳмад Ясавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва ҳоказолар билан фахрлана олган. Аксинча, миллий маънавиятимизнинг бундай даҳолари ҳаёти ва фаолиятига қора чаплаган эди.

Мақтаб фаолиятида то-талитар тузумнинг ёрқин намунасини кўрардик.

Мустақилликка эришганимиздан кейин таълим тизимини ҳар тарафлама, яъни ҳам шаклан, ҳам мазмунан ислох қилиш — янгилаш шарт эди...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида куйидаги уч муҳим жиҳат илгари сурилган:

"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мақтаб ишлари давлат назоратидир".

Авалло, бу модда асосида фарзанди 7 ёшга тўлган бирон-бир ота-онанинг боласини мактабдан олиб қолиши мумкин эмас.

Қолаверса, мамлакат миқёсида бепул умумий ўрта таълим мактаблари жорий этилган. Бундан ташқари, барча мактаблар давлат тарафидан бунёд этилади, таъмирланади.

Демак, умумий ўрта таълим тамоман мажбурий ҳисобланади. Ундан кейин эса уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълим бошланади.

Шу тариқа, умумий ўрта таълим мактабини битирганларнинг ҳаммаси яна уч йиллик ўрта махсус таълим муассасасида ўқиши шарт.

Ихтиёрлиги шундаки, умумий ўрта таълим мактабини битирган ўқувчи — энди бундан кейинги таълим йўналишини танлаш ҳуқуқига эга.

Ўқинишнинг бу иккинчи босқичи кадрларни дифференциациялаш имконини беради. Бундан кейин олий таълим муассасасида ўқиниш истаётганлар, асосан, академик лицейга боради. Тўққиз йиллик умумий ўрта таълим мактабини тугатгандан сўнг муайян касб-хўнар эгаси бўлишни орзу қилаётганлар эса бирон-бир касб-хўнар коллежга ҳужжат топширади.

Яна бир муҳим асосат шундан иборатки, ана шу уч йил мобайнида касб-хўнар коллежда ўқитилганлар кўнгилда ҳам олий таълим олиш фикри туғилса, марҳамат, касб-хўнар коллежини битирганлик тўғрисидаги ҳужжат билан ҳам бакалавр йўналишидаги ҳар қандай ўқишга ҳужжат топширавериши мумкин. Академик лицейни битирганлар ҳам, касб-хўнар коллежини тугатганлар ҳам бакалавриятга бир хил талаб бўйича тест имтиҳонларини топширади.

Таълим соҳасини ислох қилиш борасида 2004 — 2009 йилларда ижроси таъминланган Мақтаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми эди. Мақтаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида амалда мамлакатимиздаги ўн мингга яқин умумий ўрта таълим мактабининг ҳолати яхшиланди. Бир қанча янги мактаблар қурилди, таъмирланди. Барча мактабларнинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди.

Шу тариқа мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам пойдевор яратилди. Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгилаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий

ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда имзоланган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам шу йўлдаги сазой-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу Қарор асосида 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техникавий базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Таълим тизимини такомиллаштириш борасида 2012 йил мустақиллик тарихидаги алоҳида давр сифатида муҳрланди. Бу бежиз эмас.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил 17 февралда Тошкентда халқаро ҳам-жамиятнинг Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, билимни ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осий тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, дунёнинг 48 давлатидан, жумладан, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АКШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби мамлакатлардан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди.

Конференция узлуқсиз таълим ва ёш авлодни барқарор этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истеъдод ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда кўникмалари эгалланган — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз "Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш — энг му-

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК: БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Мустақиллик соғлом ва барқамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, замонавий билим ва касб-хўнарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат тўғриси билан яшайдиган, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқадиган янги авлодни тарбиялаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусика ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди. Бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шугулланыпти. Шу тариқа соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қондасига айланиб бораётди.

қаддас мақсад" мавзусида нутқ сўзлади. Бу нутқдан ўтган 15 йил мобайнида қилинган ишларни билиб оламиз. Аммо замирида олдиндан пухта режалаштириш бўлгани, илгарида бу борада пишқ, оқилана йўл танлангани ва изчил равишда шу йўналиш асосида юқорилаб борилаётгани ойдинлашди ҳам.

Конференцияда яқини ҳужжат сифатида резолюция қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: "Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, деб ном олган таълим соҳасини ислох қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принциплари асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг, Ўзбекистон талланган "Ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди".

Ана шу халқаро конференция иштирокчилари резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича танланган ва муҳомада этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар қабул қилди.

Таълим соҳасини ислох қилиш — давр талаби. Ўзбекистонимизда таълим муассасаларини замон талаблари асосида тинимсиз такомиллаштириш бориш сиёсати олиб бориляпти. Бинобарин, 2012 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашнинг янгида такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясини Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига айлантирилди. 22 июнда шу Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янгида такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, ўша йилнинг 24 июлида эса "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янгида такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, ўша йилнинг 28 декабрида эса ана шу Фармонини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда таълимнинг мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, бакалаврият, магистратура ва фан доктори илмий даражасини олиш

учун катта илмий ҳодим-изланувчи деган узлуқсиз босқичлари шаклланди.

2012 йил 4 июнда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида ана шу янги институт ташкил этилди.

2012 йил 10 декабрда Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янгида такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Замон кун сайин таълим тизими олдиға янги-янги вазифалар қўймоқда. Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган таълим сиёсати самараси сифатида жамият ҳам бундай юқни кўтаришга тайёр ҳолда ривожланиб борапти. Бугунги давр ҳар қандай малакали кадрдан хорижий тилларни пухта билишни талаб этмоқда. 2013-2014 ўқув йилидан эътиборан чет тили мактабларнинг биринчи синфидан ўқитила бошланди. Ана шу ўқув йили бошлангунга қадар биринчи синфларга дарс берадиган барча чет тили муаллимларининг махсус малака ошириш курсини ўқиб битиришига эришилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил августида бўлиб ўтган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган биринчи қақриқ IX сессиясида сўзлаган "Барқамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" деб номланган нутқида, жумладан, чет тилини ўрганиш билан боғлиқ чуқур мазмунли дастурий мулоҳазаларини ўртага ташлаган эди. Орадан ўн беш йил ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айнан "Чет тилларни ўрганиш тизимини янгида такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши бизда таълим соҳасини ислох қилишнинг тадрижийлиги ва изчиллигини яққол намоён этади.

Кўриниб турибдики, юртимизда фан ва таълим, таълим ва тарбия, таълим ва ишлаб чиқаришни бирга, узвий алоқадорликда олиб бориш аниқанаси изчил йўлга қўйилган. Бу эса ўзининг ширин медалларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янгида такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида" 1996 йил 9 сентябрдаги Фармонида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрни умумхалқ байрами (яъни дам олинадиган кун) — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини сифатида нишонлаш белгиланди. 1997 йил августда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Кўп ўтмай ўша йил 1 октябрда мустақил мамлакатимиз тарихида илк бор Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.

Биз таълим борасида жаҳоннинг илғор тажрибаларини тинимсиз равишда ўзлаштириб бораёلمиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жағғармаси томонидан фан ва таълим соҳаси мутахассислари Ер юзининг етакчи илмий ва таълимий марказларига малака ошириш ва амалиёт ўташ учун юбориб турилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда кўплаб хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари фаолият олиб борапти. Уларда ёшларимиз чет тилида жаҳоннинг илғор соҳаларини пухта-пишқ ўзлаштириб, етук мутахассис бўлиб чиқяпти.

Мустақиллик йилларида етук кадрлар тайёрлаш, бунинг учун таълим тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида яратилган бу "мустаҳкам пойдевор" ҳозирнинг ўзидаёқ ўз натижаларини кўрсатяпти.

2015 йилнинг 12 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янгида такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишдек эзгу мақсад кўзда тутилган.

Чунки кун сайин ўзгариб бораётган замон билан ҳамнафас бўлаётган туриб бугунги талабларга тўла жавоб берадиган бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг ҳеч иложи йўқ. Бу юксак мақсадга етиш учун эса, аввало, олий таълим муассасаси раҳбар ва педагог кадрларининг ўзи етук мутахассис бўлиши керак. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими шу мақсадни рўйга чиқаришнинг энг муҳим жабҳаси ҳисобланади.

Ўз-Ўзидан маълумки, мактаб, лицей, коллеж, бакалаврият, магистратурада келажак учун мутахассислар тайёрланади. Давлатимиз раҳбари айтганидек: "Ҳақиқий инсон етук мутахассис бўлиши билан бирга, юксак маънавият эгаси ҳам бўлиши лозим".

Ёш авлод тарбиясига эътибор мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Асосий мақсадимиз — ҳаммага аён: Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра ақлли, билимли бўлиши ва биздан кўра, албатта, бахтли яшаши керак. Чунки ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир.

Шунинг учун ҳам давлатимиз таълим ва тарбия масаласига катта эътибор бериб келяпти. Бу соҳага ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам мисли кўрилмаган даражада. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг учдан бирини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Болаларимиз 7 ёшдан мактабга чиқади. 35 ёшгача бўлганлар эса мамлакат аҳолисининг учдан икки қисминини ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай мамлакат тараққиётни тақдирини бевосита кадрлар ҳал этади. Шундай экан, кадрлар тайёрлаш масаласи — долларб масала.

Энг муҳим жиҳати шундан иборатки, бизда таълим билан тарбия ўзаро узвийликда, яъни бир-бирига қамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориляпти. Бу борада Президентимизнинг қуйидаги сўзларида аниқ йўналиш белгилан берилган:

ТАЪЛИМИНИ ТАРБИЯДАН, ТАРБИЯНИ ЭСА ТАЪЛИМДАН АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ — БУ ШАРҚОНА ҚАРАШ, ШАРҚОНА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ.

Олим МАХМУДОВ

ИСТЕЪМОЛЧИ ТАЛАБ ВА ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Санитария-гигиена ва маиший-кимё воситалари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётганини таъкидлаш жоиз. Бу бежиз эмас. Негаки мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи чора-табиди 15,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Кичик бизнеснинг sanoatдаги улуши 28,9 фоиздан 31,4 фоизга, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги улуш эса 76,8 фоиздан 77,2 фоизга ўсди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори юқори сифатли ва рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва турини кенгайтириш, ички бозорни шундай маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ маҳаллий санитария-гигиена ва маиший кимё воситалари ишлаб чиқарувчилар солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференцияларга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янгида ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Ушбу ҳужжат корхоналаримиз томонидан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қулай шaroitлар яратишга қаратилган.

Юқори сифатли хомашёдан "Elma" ва "S'G lux" бренди остида болалар ва катталар учун қорғоз сочлик, салфеткалар ва бошқа гигиена воситалари ишлаб чиқарадиган "Sangio Papermill" хусусий корхонаси, "Zak-Qog'oz" ва "International Paper" масъулияти чекланган жамиятлари давлатимиз томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Бугунги кунда ушбу корхоналар маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудига тарқатилмоқда.

"Sangio Papermill" хусусий корхонаси директори ўринбосари Қаҳрамон Набиевнинг таъкидлашича, корхонага ўрнатилган замонавий технология ва асбоб-ускуналар юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, гигиена воситалари бозорига янги товарлар тақлифини кенгайтириш ва келажакка ишонч билан қараш имконини бераётди. Мамлакатимиз аҳолисининг қорғоз маҳсулотлардан фойдаланиш эҳтиёжи йил сайин ошиб бораётгани боис корхона ишлаб чиқариш ҳажминини ва маҳсулот турларини кенгайтириб, нахарлари аҳоли учун қулай даражада сақламоқда.

"National Investments" инновацион компанияси аҳоли ҳаётини янгида қулай ва хавфсиз қилишга ҳаракат қилмоқда. Компания санитария-гигиена воситалари яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмоқда. Айни пайтда компания "Dewell", "Purex Cosmetics" ва "SANMED" савдо белгилари остида оёқ ва қўлларга мўлжалланган антисептик гел ва лосьон-спрейлар, суяқ антибактериал совун, душ гели, дезинфекция ва ювиш воситалари, нам салфеткалар ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг санитария-гигиена ва косметология соҳасидаги етакчи илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, санитария-гигиеник воситалар ишлаб чиқарадиган машҳур компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди "National Investments" масъулияти чекланган жамияти маркетинг бўлими бошлиғи Юлия Микерова. — Янги технологиялар ва халқаро сифат стандартларининг жорий этилиши саломатлик учун хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Мустақиллик йилларида маиший-кимё товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қўлайди ва бунинг натижасида кир ювиш қуқунлари бозори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Бугун аҳолига эллика яқин маҳаллий ва импорт кир ювиш қуқун тақдим этилмоқда. Хозирги кунда дўконларда қўпчина "Зелёный чай", "Яко", "Кристалл", "Березовая роща" каби кир ювиш қуқунларини қўриш мумкин. Мазкур маҳсулотлар аҳоли томонидан фаол харид қилинмоқда. Энг муҳими, бу маҳсулотлар юртимизда ишлаб чиқарилаётди.

"Asian Diamond Classic" компаниясини синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар сирасига қиради. Компания фаолияти турли марказдаги кир ювиш қуқунлари ва тозалаш воситалари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Мисол учун, "Bio Time" кир ювиш қуқунини кирни қўл ва машинада, "Diamond" қуқунини қўлда ювиш учун мўлжалланган. "Novel" қуқун эса пахта, зигир ва аралаш толали матолардан тайёрланган кийим-кечакларни ювишга мўлжалланган. Компания томонидан ишлаб чиқарилаётган тозалаш воситалари касаллик қўзғатувчи микробларни йўқ қилади ва улар пайдо бўлишининг олдини олади, буюмларни тозалайди ва дезинфекция қилади.

Мамлакатимизда маиший кимё маҳсулотлари ва санитария-гигиена воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. «Ўзбекисаннат» акциядорлик жамияти тарихида бир неча корхона, жумладан, «Navoiy Human Pulp» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Корхонада маҳсулотлар тури мунтазам кенгайтирилиб, хотин-қизлар ва болалар учун юқори сифатли гигиеник воситалар ишлаб чиқарилмоқда. Олимларимизнинг инновацион ишланмаларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланаётган бу маҳсулотлар инсон саломатлиги учун хавфсиздир. "Ўзбекенигисаннат" акциядорлик жамияти тарихида ҳам гигиена воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Болалар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган "M

Мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрам ўз моҳияти, аҳамияти билан алоҳида ўрин тутати. Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли, фаровон ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечирishга имкон берди. Истиқлол барча юртдошларимиз учун ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намойиш этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратди.



МУҚАДДАССАН — ОНА ВАТАНИМ

Шунинг учун ҳам ушбу байрам Энг азиз ва энг қадридли. Айни кунларда шаҳримиз тумандаридаги аҳоли дам олиш масканларида, маданият ва истироҳат боғларида истиқлол шукри акс этган байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, Навоий номидаги Давлат академик катта театри олд майдонида Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакдоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.

Миробод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоирлар, санъаткорлар, маҳаллалар фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, турли соҳалардаги юксалишлар, тарихимизни ва буюк аждодлар хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган ишлар, фан, маданият, санъат

йўналишларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар.

Шундан сўнг "Бўстон" ансамблининг чиқишлари, ёш хонандалар Давронбек Тиллабоев, Тоҳиржон Аҳмедов, Баҳроҳ Қобиловалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

— Юртимиз Мустақиллигининг 24 йиллик тўйи турли тантаналарга улашиб кетмоқда. Шундай дорилмоюн кунларга етиб келганимизнинг ўзи улкан бахт, — дейди Миробод тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Мада-

минова. — Ватанимиз янгидан янги имкониятларни намойиш этиб, нуфузи кундан-кунга ошиб бораётган иқболи порлок, истиқболи эркин диёрдир. Ўтган йиллар мобайнида юксак тараққиётнинг ўзига хос истиқболли ва нузли йўллари босиб ўтди. Биргина туманимиз микросида амалга оширилаётган улкан ишлар ва ютуқлар диққатга сазовордир. Шаҳримизни обод ва гўзал масканга айлантириш, маҳабати ва кўркам биноларнинг қад ростлаши замирида мамлакатимиз тараққиёти ва

юксалишининг намуналарини кўришимиз мумкин. Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигини ўзига хос ютуқлар билан қўтиб олаётганимиз ва юзимиз ёруғлигида катта байрам қилиб нишонлаётганимизнинг ўзи саодатли кундир. Бундай ёғдули кунларга етганимиз учун шукрона айтамин.

Дарҳақиқат, мустақиллик берган неъматларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Унинг ҳар бир йилида эзгу ишлар, яхшиликка қорлайдиган мунавар кунлар ёғдуси нур сочиб турибди.

нинг фахр ва ифтихорга тўла самимият балқиб турган кўзларида акс этганидек, менинг жажжигина ўғлимнинг қалбига ҳам бир олам қувонч бағишлади. Унинг тетапоя қадамларида, жарангдор кулгусида дунё шодлигини топгандай бўлдим, — дейди ёш оила бекаси Зарингор Ибрагимова.

Ҳа, фақат обод ва озод юрда байрамлар шундай нишонланади. Чунки бу неъмат бунёдкор халқимизнинг, барчанинг машаққатли меҳнати билан қўлга киритилган.

Гульнеча ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбирларидан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Пойтахтимизнинг энг мафтункор ва болажонлар билан гавжум бўлган ҳудуди — Хадра майдонида ўтказилган байрам тадбири Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан уюштирилди.

Тадбирда туман маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг хушовоз хонандалари томонидан Ватанимизни тараннум этувчи дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

— Ушбу байрам тадбирига турмуш ўртоғим билан ташриф буюрдим. Байрам қадри баланд, ёши улуг отахон ва онахонларнинг дуолари остида, келажаги порлок ёшлар-

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар, пойабзаллар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб воғна етказиш, уларга пухта билим бериш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2015/2016 ўқув йилига ҳам мамлакатимизда пухта ҳозирлик кўрилди. Мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-ўқувчи воситалар, компьютер, мебель жиҳозлари билан таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Янги ўқув йили арафасида мамлакатимизда ота-оналар қўлайлик яратиш мақсадида 10 августдан 10 сентябрга қадар фаратиш кўрсатадиган 1876 мактаб ярмаркаси ташкил этилди. Жумладан, йирик савдо мажмуалари, бозорлар, 970 умумтаълим мактабида ярмаркалар ўтказилмоқда. Тоғли ва чўл ҳудудларида юзга яқин автодўкон хизмат кўрсатмоқда. Уларда 26 турдаги

ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви ташкил этилди. Уларнинг асарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёж асосида мутасадди компания ва ташкилотлар етказиб бермоқда.

Махсулотларни саклаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа чоралар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда савдоси ташкил этилаётган маҳсулотларнинг амалдаги стандартларга жавоб бериши ҳамда сифатини назорат қилаётган. Махсулотлар нархи сунъий тарзда ошиб кетишининг олдини олиш ва ярмаркаларда тўлов терминалининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назорат йўлга қўйилган.

— "Ўзбекистонсанат" акциядорлик жамияти тасаруфидидаги корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб бо-

рамиз, — дейди ЎЗА муҳбирига "Шарқ либослари" дизайни маркази дизайнери Нодира Ерметова. — Мактаб ўқувчилари учун формаларнинг коллекцияларини яратишда маҳаллий хомашдан ишлаб чиқарилган табиий матоларни танлашга, мактаб кийимлари қўлай, ихчам, замонавий ҳамда гигиеник талабларга мос бўлишига алоҳида эътибор қаратамиз.

"Ўқитувчи" наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан ҳам янги ўқув йилига қизгин тайёргарлик кўрилган. 3 миллион 100 минг дона қайта нашрдаги, 600 мингдан ортиқ янги нашрдаги дарсликлар тайёрланди. 1-синфлар учун "Меҳнат таълими", 4-5-синфлар учун "Жисмоний тарбия", ёрдамчи мактабларнинг 1-синфлари учун "Нутқ ўстириш" дарсликлари шулар жумласидан. Мактаб ўқувчилари учун ўқув, расм дафтарлари, ёзув ва қайдо қоғози, 57 номдаги болалар адабиёти чоп этилди.

— Бу йилги ярмаркалар ҳам ота-оналарга манзур бўлиши шубҳасиз, — дейди "Ўзбекхалқпоябзали" уюшмаси бош мутахассиси Шухрат Алиев. — Чунки бу ерда сифатли маҳсулотларни харид қилиш имконияти мавжуд. Уюшмамиз таркибидаги корхоналар ярмаркаларга мактаб сумкаси билан бирга кенг ассортиментдаги болалар пойабзаллари етказиб берди.

Назозат ОСМОНОВА

ИНХА УНИВЕРСИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳридаги Инха университетда ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда талабаларнинг мустақил ишлатишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун олий ўқув юртида замонавий технологиялар ва анъанавий адабиёт билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. Университетда жамоа бўлиб ишлаш йўлга қўйилган, яъни талабалар баҳо-мунозаралар ва тақдимотлар ўтказиладиган хоналарда гуруҳларга бўлиниб, мураккаб вазифаларга ечим топади. Сўнгра дарсларда тажрибали ўқитувчи раҳбарлигида билимларини мустаҳкамлайди.

Инха университети делегацияси аъзолари талабалар учун яратилган ушбу шароитлар билан яқиндан таништирилди.

— Ўзбекистонда университетимиз филиалининг ташкил этилгани мамлакатларимиз ўртасида яқин ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир, — деди Инха университети президенти Сунья Чой. — Бу ерда ёш кадрлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, ўзаро ҳамкорлигимиз салмоқли натижалар бераётганига гувоҳ бўлдик. Тошкент шаҳридаги Инха университетининг моддий-техник ва интеллектуал базасини мустаҳкамлашдан манфаддоримиз ва шу боис университет раҳбарияти билан қатор ҳужжатлар имзоладик. Масалан, Ўзбекистонлик профессор ва ўқитувчилари Корея Республикасида ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича келишувга эришдик. Шунингдек, университет кутубхона фондига 2,6 мингдан зиёд дарслик ва қўламанлар тақдим этдик.

Инха университети делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, олий ўқув юртидаги ўқувчилар ўтказиб, юртимизнинг илмий-маданий салоҳияти билан танишади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Саломатлик — туман бойлик

НЕЪМАТЛАРНИНГ АЪЛОСИ

Жажжи фарзандни эмизиб боқиш она ва бола ўртасида меҳр ришталарини боғлайди. Кўкрак сўти болалар учун энг яхши озуқа ҳисобланади. Сигир сўти ва ҳатто эчки сўти, шунингдек, болаларнинг сунъий сўтли озуқалари, қуруқ сўт, чой, ширин суюқлик, сўв, сўт маҳсулотлари таркибига кўра ҳеч қачон кўкрак сўтининг ўрнини босолмайди. Она сўти қақалоқ ҳаётининг дастлабки олти ойи мобайнида жуда ҳам муҳим озуқа ҳисобланади.

Гўдак бу даврда кўкрак сўтидан бошқа озуқа ва сувга ўзида эҳтиёж сезмайди. Онанинг табиат томонидан тухфа этилган бу мўъжизавий неъмат миттёвий вужудда энгил ҳам бўлади. Унинг соғлом ривожланишида катта аҳамият касб этади. Гўдакни турли юқумли касалликлардан асрайди. Бир сўз билан айтганда, она сўти, айниқса, оғиз сўти гўдакка илж эмашдай таъсир этади.

Шунингдек, жазирадада ва қуруқ ҳавода ҳам она сўти чақалоқнинг суюқлига бўлган талабини қондорди ҳамда уни чанқатмайди. Жажжигина вужуд онанинг бағрида яйрайди ва ўзини ҳимоялангандай сезади. Гўдакка олти ойлик бўлгунча кўкрак сўтидан бошқа суюқликлар бериш унинг меъда-ичак тизимига салбий таъсир этади ва диарея (ичкетарни) келтириб чиқаради.

Онанинг турли касалликлари туфайли эмизишга монелик бўлмаса ёхуд баъзи ёш оналарнинг "қоматим бузилади", деган хавотирларининг олдини олиш мақсадида шифокор-мутахассис албатта кўкрак сўтининг афзалликлари ҳусусида аёлларга маълумот бериш зарур.

Янги туғилган қақалоқ онанининг бағрида имкон қадар кўпроқ бўлиши керак. Она фарзанди билан битта хонада бўлиши зарур. Чунки, болани эркин эмизиб шарт, яъни, гўдак қачон хоҳласа шунда эмизиш даркор. Чақалоқни тез-тез эмизиш она сўтининг қўлайлигига ёрдам беради. Онанинг руҳий ҳолати гўдакка ҳам таъсир этади. Эмизилиш оналар бекудга асабийлашавермасдан хотиржам бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Бекаловатлик кўкрак сўтининг қайиғиб кетишига сабаб бўлади. Дароқча, тўйиб қолмаслик ва оқилона ҳамда сифатли, тўйимли оқоватланмаслик ҳам она саломатлигига салбий таъсир этади.

Ёш гўдаги бор оналар аччиқ ва шўр ҳамда зирворлар, лавр япроғи, саримсоқлиёз, хом пилёз, дудланган озик-овқат маҳсулотлари, кофе, газли ичимликлар, турли сунъий буюклар солинган газланган суюқликлар ва ел ҳосил қилувчи мош, лавина, нўхат, ўрик, туршак каби маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳамда бодиринг, қовун, тарвуз, узум ейишдан, осеуқ сўв ичишдан тийилишлари зарур. Чунки, фойдали ва зарарли бича модаллар қақалоқ вужудига она сўти орқали ёрилади. Ел ҳосил қилувчи маҳсулотлар гўдакнинг ичтини дам қилади ва ичакларда оғрик пайдо бўлади. Шундай пайти қақалоқнинг қорни таранг бўлиб, у оқилоқнинг қорнига йиғиб, чинқириб йиғалайди. Она арпабодидан дамлаб ичса ҳам кўкрак сўтини қўлайтиради, ҳам чақалоқнинг қорни дам бўлмайди. Седана ҳам она сўтини қўлайтиради.

Кўкрак сўти қўлайлиши учун эмизилиш гўдаги бор аёллар иссиқ, сариқ солинган сўт, қайнатма шўрва ва суюқ оқоватларни кўп истеъмол қилишлари лозим. Яна туғилган кейинги чилла даврида она ва боланинг саломатлигини асраш жуда муҳим. Чунки, бу даврда уларнинг иммунитет паст ва биомайдони заиф бўлади. Оила аъзолари ва хонадондаги ёши катталар янги бўлган она ҳамда унинг чақалоқини турли инфекциялар юққан руҳий эҳтиётчи, тоқилишдан асрашлари зарур. Она тўйиб қолмаса ва тинибди дам олса ҳамда сифатли озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилса фарзандини парвартиш қилиш учун ўзида куч топа олади.

Таъкидлаш жоизки, она сўти таркибида боланинг ақлий қобилиятини ўстирувчи туторин моддаси бор. Эмизилиш оналар майиз, тевоғ, қатиқ, қаймоқ, балик, гўшт маҳсулотлари, мева-сабзавотлар истеъмол қилишлари керак. Аммо бодиринг, қовун, тарвуз, узум тановул қилса чақалоқнинг ичи бузилишига сабаб бўлади.

Она гўдагини эмизаётганда ҳамма қўларини совутиб ювиб, тирикчиликни қалта олиши ҳамда қўл терисига озиқлантирувчи крем суртиши лозим. Ҳар сафар гўдагини эмизганидан сўнг она кўкрагини илиқ сўв билан ювиши даркор. Сўнгра табиий тоғли пахмоқ қўшиқ билан уни энгил босиб-босиб артади ва сўт безига стериллашган ўсимлик ёғини суртади. Бу эса кўкрак сўрини ёришидан ва сўргич атрофидаги жигарранг юпка терини шикастланишдан асрайди.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институтининг директор ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ оқиз аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 11 август кунини соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 21.05.2015й. кунги 10565/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 896 ОА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 968 283 сўм. 2. 24.04.2015й. кунги 9247/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Д 638 КА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 302 982 сўм. 3. 30.01.2015й. кунги 1522/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 182 НА бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 494 246 сўм. 4. 21.01.2015й. кунги 609/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 О 082 ОА бўлган "Спарк М300" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 787 561 сўм. 5. 21.05.2015й. кунги 10562/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 Н 992 КА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 041 816 сўм. 6. 9.04.2015й. кунги 8429/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 О 531 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 445 132 сўм. 7. 21.01.2015й. кунги 613/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 С 455 ЕА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 998 176 сўм. 8. 17.06.2015й. кунги 16021/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 Е 101 ЕА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 408 500 сўм. 9. 21.01.2015й. кунги 10563/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 Г 981 СА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 698 176 сўм. 10. 21.01.2015й. кунги 634/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 10 У 740 СА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 281 433 сўм. 11. 30.01.2015й. кунги 1527/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 О 636 JA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 854 332 сўм. 12. 21.01.2015й. кунги 637/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 Р 592 НА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 766 384 сўм. 13. 21.01.2015й. кунги 7466/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 С 166 РА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 500 000 сўм. 14. 21.01.2015й. кунги 10564/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 В 254 НА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 486 558 сўм. 15. 21.01.2015й. кунги 10557/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 40 У 413 СА бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 798 176 сўм. 16. 9.04.2015й. кунги 8431/32/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 01 448 НСА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 125 189 сўм. 17. 9.04.2015й. кунги 8431/32/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 01 539 НСА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 857 128 сўм. 18. Юнусобод туман СИБ томонидан, 16.02.2015й. кунги 17032/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, 16-мавзеда сақланаётган: 1. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 Q 2677 бўлган "Ваз-21043" русумли автотранс-

порт воситаси. Бошланғич нархи 2 648 000 сўм. 2. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 О 638 UA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 246 000 сўм. 3. 12.05.2015й. кунги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 01 J 083 MA бўлган "Москвич 2141" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 200 000 сўм.

2015 йил 2 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такоран қўйилмоқда: 1. Сергели туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 31.07.2014й. кунги ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 323 ЕАА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 812 253 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 044 ЕАА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 868 978 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 044 NBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 573 348 сўм. 4. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 516 BBA бўлган "Камаз 5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 332 353 сўм. 5. 26.05.2014й. кунги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 М 751 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 792 402 сўм. 6. 29.10.2013й. кунги 1-803/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 01 О 347 JA бўлган "Ваз 21011 СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 821 124 сўм. 7. 24.06.2014й. кунги 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 1999 йилда и/ч дав. бел. 75 K 511 EA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 958 140 сўм. 8. 20.06.2014й. кунги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ ҳудудида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 209 BBA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 931 719 сўм. 11. Олмасор туман СИБ томонидан: 1. 13.05.2013й. кунги 15356-82-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BC 983 бўлган "Газ-2705-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 679 855,50 сўм. 2. 12.06.2012й. кунги 19628/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Себзор" жарима майдончасида сақланаётган, 1979 йилда и/ч дав. бел. 30 Е 5742 бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 902 559,40 сўм. 3. 24.12.2010й. кунги 1-316/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Чорсу" жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 213 CA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 365 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабдорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлардан аризалар ҳафтининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капитал-банк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.
Гувоҳнома: 006388.

